Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O‘ZBEKISTON OVOZI

• 2015-yil, 15-yanvar. Payshanba • 6 (31.909) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 23 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ҳурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари, қадрли юртдошлар!

Сизларни мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуғ сана — Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 23 йиллиги билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиш менга улкан мамнуният бағишлайди.

**Мустақил демократик Ўзбекистон давлатини барпо этиш ва ривожлантириш бўйича биз босиб ўтган буюк ва шонли йўл миллий армиямизнинг — ён-атрофимиздаги мураккаб ва таҳликали вазиятда тобланган, Ватанимиз мустақиллиги, суверенитети, унинг ҳудудий яхлитлиги, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётининг ҳамиша ишончли кафолати бўлиб келган ва бугунги кунда ҳам шундай бўлиб қолаётганини неча бор исботлаб берган мамлакатимиз Қуролли Кучларининг шаклланиши билан узвий ва чамбарчас боғлиқ ҳолда кечди, деб айтишга бугун барча асосларимиз бор.** Ҳар қандай давлатнинг куч-қудрати ва имкониятларига унинг армиясининг жанговар қобилияти ва жанговар тайёргарлигига қараб баҳо берилиши бежиз эмас ва бундай қараш мустаҳкам асосга эгадир.

Биз суверен Ўзбекистоннинг Қуролли Кучларини ташкил этиш жараёнида ҳарбий қурилиш соҳасида мерос бўлиб қолган тажрибадан тўғридан-тўғри нусха кўчиришдан воз кечиб, аниқ ва реал геостратегик ва геосиёсий шароитни, замонавий урушлар ва қуролли можароларнинг қандай хусусиятларга эга эканини ҳар томонлама ҳисобга олдик, Марказий Осиё минтақасида юз бериши мумкин бўлган ҳарбий ҳаракатлар театрининг ўзига хос жиҳатлари таҳлилидан келиб чиқиб иш тутдик ва шунингдек, ўзимизнинг азалий миллий фазилат ва анъаналаримизга таяндик.

Ҳарбий қурилиш, қўшинларнинг хизмат-жанговар фаолиятини ташкил этиш соҳасидаги илғор хорижий тажриба ва замонавий ҳарбий санъат ютуқларини чуқур ўрганиш ва улардан фойдаланиш асосида ишлаб чиқилган, босқичма-босқич ва ўзаро боғлиқ ислоҳотлар дастурларини самарали ва изчил амалга ошириш армиямизни ташкил этишнинг кўп жиҳатдан ҳал қилувчи шарти ва гарови бўлди.

Шу маънода, хорижий давлатларнинг мудофаа идоралари билан ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш бизнинг энг муҳим устувор вазифамиз бўлиб қолмоқда. Ана шундай хорижий мудофаа идоралари билан ўзаро манфаатли шериклик муносабатлари ўрнатилган бўлиб, бундай ҳамкорлик кенгайиб бормоқда, икки томонлама ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик доирасидаги йиллик режалар амалга оширилмоқда.

Бизнинг Қуролли Кучлар қурилиши борасидаги режаларимизга мувофиқ, ҳарбий қўшинларни модернизация қилиш ва уларни энг янги қурол-яроғ ва техника, жумладан, ҳаво ҳужумидан мудофаа воситалари ва вертолётлар, бронетанк қуроллари, артиллерия тизимлари, алоқа воситалари, алоҳида ва гуруҳ бўлиб ҳимояланиш воситалари билан қайта қуроллантиришга қаратилган чора-тадбирларни изчил амалга оширмоқдамиз.

Ҳеч шубҳасиз, илғор ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги замонавий ютуқлардан фойдаланган ҳолда, ўқув жараёнларига таълимнинг инновацион шакл ва усулларини жорий этиш орқали Қуролли Кучлар академияси, ҳарбий билим юртлари, сержантлар тайёрлаш мактабларида ҳарбий кадрларни тайёрлаш тизимини энг янги методлар асосида такомиллаштириш борасидаги узлуксиз ишларимиз долзарб аҳамиятга эгадир.

Шу маънода, офицер ва сержантлар таркибининг профессионал малакасини оширишда етакчи хорижий давлатлар армияларидаги ҳарбий хизматчиларни тайёрлаш ва уларнинг хизмат фаолиятини ташкил этиш тизимини чуқур ўрганиш ҳамда бу тизимни бизнинг шароитимизга мослаб жорий этиш катта ижобий роль ўйнаганини қайд этиш лозим.

Бу соҳада амалга оширилаётган аниқ чора-тадбирлар туфайли мамлакатимиз офицерлар таркиби ўзининг дунёқараши, билим ва тажрибасини доимий равишда кенгайтириб, юксак касбий малака ва маънавий-ахлоқий фазилатларга, мантиқий фикрлаш қобилиятига эга бўлиб бормоқда ва ўз олдида турган вазифаларни ҳал этишда ностандарт ёндашувларни фаол қўллашга қодир бўлмоқда. Сержантлар сўзда эмас, амалда офицерларнинг энг ишончли ва яқин ёрдамчиси ҳамда таянчига, аскарларимизнинг меҳрибон мураббийсига айланди, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Мудофаа қурилиши соҳасида бошқарув органлари ва қўшинларнинг оператив ва жанговар тайёргарлик тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Бугунги ҳарбий ўқув машғулотлари мустақилликнинг биринчи йилларида ўтказилган машқлардан тубдан фарқ қилади. Йилдан-йилга жанговар шароитларга энг кўп даражада яқинлаштирилган ҳолда ўтказилаётган бундай ўқув машғулотлари қўшинлар тайёргарлигининг бутун тизимини танқидий таҳлил қилиш, ҳар бир батальон ва взводнинг имкониятларини, шунингдек, жанговар вазифаларни бажаришда танланган усулларнинг мақсадга мувофиқлиги ва мавжуд вазиятга айнан мос келишини бўлинмаларнинг бир-бирининг ўрнини қай даражада боса олиши ва шахсий таркибнинг ўзаро яқин бўлган турдош мутахассисликларни қанчалик пухта эгаллагани нуқтаи назаридан баҳолаш имконини беради.

Миллий армиямизни шакллантириш ва ислоҳ қилиш жараёнида тўпланган тажрибани барча тоифадаги ҳарбий хизматчилар, чақириқ ёшига етмаган ўғлонларимиз ўртасида ҳар томонлама тарғиб қилиш ва аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни ташкил этишда кенг қўллаш фаолиятимизнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Армияда хизмат қилиш ёш авлодимиз учун алоҳида маъно-мазмунга эга бўлиб, унинг нуфузи тобора ортиб бормоқда. Бундай хизматнинг жозибадорлиги фақат яратиб берилаётган имтиёзлар ва ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ва моддий жиҳатдан юқори даражада таъминлангани билангина боғлиқ эмас, албатта. Бу, аввалambор, армия ёш авлодимиз учун ҳақиқатан ҳам мардлик ва мустаҳкам ирода, юксак ватанпарварлик туйғусини, Ватанимизга севги ва садоқат ҳисларини тарбиялайдиган ҳаёт мактабига айланганни билан изоҳланади.

Мустақиллик йилларида ҳар томонлама тайёргарликка эга ва армияда чиниқиш мактабини ўтаган, ҳар қандай фурсатда Ватан ҳимояси учун тайёр бўлган бутун бир авлод вояга етди ва мустаҳкам оёққа турди, деб ғурур ва ифтихор билан таъкидлашимиз мумкин.

Ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, уларнинг ижтимоий-маиший, яшаш ва хизматни ўташ шароитларини яхшилашга қаратилган давлат дастурларини амалга ошириш алоҳида аҳамиятга молик вазифа бўлиб қолмоқда. Ўз ҳаётини ушбу шарафли касбга бағишлаган ҳар бир ҳарбий хизматчи яхши билиши шарт: унинг муаммолари эътиборсиз қолмайди ва оиласининг тинчлиги ва фаровонлиги ишончли равишда кафолатланган.

Юртимизда 2015 йилнинг Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилиниши биздан уруш қатнашчилари ва Қуролли Кучларимиз фахрийларини моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, уларга ҳар томонлама ғамхўрлик, чинакам инсоний меҳр ва эътибор кўрсатишга қаратилган ҳукумат қарорлари ва давлат дастурларини сўзсиз бажаришни талаб қилади.

Бугунги кунда кўплаб муҳтарам фахрийлар ва устозларимиз ўзининг ноёб тажрибаси, билим ва малакасини Ватан ҳимоячиларининг янги авлодига ўргатиб, мамлакатимизни ривожлантиришда фаол иштирок этмоқда.

Шуни унутмаслигимиз керакки, ҳарбий хизматчиларнинг ҳар жиҳатдан фаровон ҳаёти — мамлакатимизда ҳарбий хизматнинг нуфузи ва обрў-эътибори нақадар юксак эканини намоён этадиган энг ёрқин кўрсаткичдир.

Ҳурматли ватандошлар!

Бугунги кунда бизнинг яқин ва олис ён-атрофимизда вужудга келаётган вазиятга баҳо берар эканмиз, халқаро хавфсизлик ва барқарорликка таҳдидларнинг кўлами кенгайиб бораётганини, яъни, пайдо бўлаётган қарама-қаршиликларни ҳал этишда куч ишлатишга зўр бериш устунлик қилаётгани, хомашё ресурслари ва коммуникациялар устидан назорат қилиш бўйича геосиёсий рақобатнинг ошгани, ядро технологиялари ва оммавий қирғин қуролларининг тарқалиши, халқаро терроризм ва экстремизмнинг кенг тарқалаётган экспансиясининг фаоллашуви, миллатлар ва конфессиялараро можароларнинг кучаяётганини эътироф этмаслик мумкин эмас.

Дунёнинг турли минтақаларида вужудга келаётган хавф-хатар, низо ва зиддиятлар ҳамда қарама-қаршиликлар тобора кучайиб бораётганини, улар тинч йўл билан ҳал этилмасдан, аксинча, кескинлашаётганини афсус билан тан олишга мажбурмиз.

АЙСАФ деб ном олган тинчликпарвар кучларнинг Афғонистондан олиб чиқиб кетилиши Марказий Осиё минтақасидаги барча мамлакатлар учун жиддий синовга айланмоқда. Ироқдаги аччиқ тажриба яққол кўрсатганидек, Афғонистонда юзага келадиган ҳар қандай бўшлиқни бу минтақанинг катта ҳудудига ўзининг вайронкор таъсирини ёйишга қодир бўлган турли бузғунчи ва террорчи гуруҳлар, фанатик кучлар қисқа фурсатда эгаллаб олиши мумкин.

Бугунги кунда ноанъанавий таҳдидлар халқаро можароларнинг қиёфасини бутунлай ўзгартирмоқда ва информацион-психологик хуружлар сезиларли хавф-хатар туғдирмоқда. Улар армиямизнинг негизига путур етказиш, аввало, унинг маънавий-ахлоқий асосларига таъсир ўтказишга уриниш ва шунингдек, замонавий интернет технологиялардан фойдаланиш орқали бизнинг бунёдкорлик руҳидаги бой маданиятимиз, маънавий қадрият ва анъаналаримизга мутлақо зид бўлган бузғунчи ғоя ва тушунчаларни ёшларимизнинг онгу тафаккурига сингдиришга қаратилгани билан айниқса хатарлидир.

Шунинг учун минтақамизда ва бутун дунёда мураккаб ва олдиндан айтиб бўлмайдиган вазият вужудга келган бир шароитда ҳушёр ва огоҳ бўлиш, эришилган натижалардан хотиржамлик туйғусига берилмаслик, Қуролли Кучларимизни янада изчил ислоҳ қилиш бўйича қатъий саъй-ҳаракатларимизни давом эттириш, чегараларимизда кескинликни келтириб чиқариши мумкин бўлган барча уринишларнинг олдини олиш борасида миллий армиямизнинг тайёргарлигини кучайтириш, биз танлаб олган тараққиёт йўлига қарши қаратилган ҳар қандай тажовузкор ҳаракатларга ўз вақтида ва муносиб зарба бериш ўта муҳим, деб ҳисоблайман.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси ўзининг тинчликсевар сиёсатига ҳамиша содиқ бўлиб келганини ва шундай бўлиб қолишини яна бир бор таъкидлаш зарур. Бизнинг Ҳарбий доктринамиз мудофаа хусусиятига эга бўлиб, Қуролли Кучларимизни мустаҳкамлаш, биринчи навбатда, давлат суверенитети ва мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини, одамларимизнинг тинчлиги ва осойишталигини ҳимоя қилишга йўналтирилгандир. Мамлакатимиз Мудофаа доктринасига кўра, бизнинг армиямиз Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ҳарбий ҳаракатлар ва операцияларда иштирок этмайди.

Қадрли дўстлар!

Мана шу қутлуғ байрам айёмида сиз, азизларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 23 йиллиги билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман. Барча ҳарбий хизматчилар - аскар ва сержантлар, офицер ва генералларга, шунингдек, Қуролли Кучларимиз фахрийларига, мутахассис фуқароларга, ўз тақдирини она Ватанимизни ҳимоя қилишдек муқаддас, шарафли ва масъулиятли бурчни адо этишга бағишлаган барча-барча инсонларга фидокорона хизматлари учун самимий миннатдорлик билдираман.

Янги - 2015 йилда барчангизга мустаҳкам соғлик, бахт ва омад ёр бўлсин!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти,**
**Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони**

## ВАТАН ҲИМОЯСИ — ОЛИЙ ШАРАФ



# ЭЛУ ЮРТИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ҚАЛҚОНЛАРИ

**«Туркистон» саройида 13 январь куни Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Шу муносабат билан бу ерга аскар ва сержантлар, курсантлар, офицерлар, генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари ва жамоатчилик вакиллари таклиф этилди.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 23 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригини Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Қобил Бердиев ўқиб эшиттирди.

Президентимизнинг 2015 йил 12 январда қабул қилинган фармонига мувофиқ Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳи фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланди. Йиғилишда уларга Ватанимизнинг ана шу юксак мукофотлари топширилди.

«Энг илғор олий ҳарбий таълим муассасаси», «Энг илғор Сержантлар тайёрлаш мактаби», «Энг илғор мудофаа ишлари бошқармаси» танлови ғолиблари эълон қилиниб, диплом ва эсдалик совғалари билан мукофотланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддинжон Исмоилов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

**Ўз мухбиримиз.**

## ! ДЕПУТАТЛИК БУРЧИ ВА МАСЪУЛИЯТИ

# Халқимиз депутатлардан

## фақат амалий ишлар, хайрли ташаббуслар кутади

**Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг яқинда бўлиб ўтган биринчи мажлисидаги нутқида билдирган чуқур таҳлилий фикр-мулоҳазалар барча даражадаги депутатлар, сиёсий партиялар фаоллари, умуман, кенг жамоатчилик томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.**

Мазкур нутқда мамлакатимиз мустақиллигини, халқимиз тинчлигини асраш, барча соҳалардаги ютуқларимизни янада мустаҳкамлаш масалаларида парламент депутатлари, давлатимиз ва жамиятимиз олдида турган муҳим масалаларга эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари депутатларга эришилган ютуқларга маҳлиё бўлмаслик, хотиржамлик ва ҳаволаниш кайфиятига берилмаслик, тез ўзгариб бораётган тарихнинг бир чеккасида, қолоқлик ва армонда қолиб кетмаслик зарурлигини уқтирди.

Албатта, ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди, замон ривожлангани сари талаб ва эҳтиёжлар ҳам ўзгариб бораверади. Айниқса, тараққиёт даврида турли муаммолар бўлиши табиийдир. Шундай экан, ҳар қандай ўзгаришга тайёр туриб, қатъийлик кўрсатиш, тўпланган тажрибалардан фойдаланиб, ўрганиш, изланишни муттасил давом эттириш барчамизнинг асосий вазифамиз ҳисобланади. Бу борада, айниқса, халқ ишонган вакиллар — парламент депутатлари намуна кўрсатиши жуда муҳимдир.

Шу маънода ҳар бир депутатдан ҳаётимизнинг устувор ва долзарб йўналишларини ўз ичига олган ижтимоий-иқтисодий соҳалар ривожини таҳлил қилиб бориш, ечимини кутаётган масалаларни ҳал этиш учун белни маҳкам боғлаб курашиш талаб этилмоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг муваффақиятини таъминлашда, тараққиётимизни янада юксалтиришда бу катта аҳамият касб этади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайланган депутатларнинг бу ҳақдаги хулосалари, келгуси режалари билан қизиқдик.

► *Давоми 2-бетда.*

## ЎзХДП Марказий Кенгашининг II пленуми тўғрисида АХБОРОТ

Бугун Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг II пленуми бўлиб ўтади. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида партиянинг иштироки, сайловчилар имзоларини йиғишни ташкил этиш, Ўзбекистон ХДПнинг навбатдаги қурултойини чақириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади.

Пленумда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Ўзбекистон ХДПнинг муносиб иштирокини таъминлашга қаратилган вазифалар белгиланади. Сайлов жараёнида аҳолининг фаол иштирокини таъминлаш, сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича партия ташкилотлари олдида турган вазифалар муҳокама этилади.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши аъзолари, масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, минтақавий партия кенгашлари раҳбарлари, ОАВ вакиллари иштирок этади.

**ЎзХДП Марказий Кенгаши**
**Матбуот хизмати.**

## ТАДБИР

# Мукофотлар топширилди

Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Президентимиз фармонига асосан бир гуруҳ ички ишлар идоралари ходимлари ҳам давлат мукофотлари билан тақдирланди.

ИИВ Маданият саройида бўлиб ўтган байрам тадбирида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Адҳам Ахмедбаев йиғилганларни қутлуғ айём билан табриклаб, мукофотларни эгаларига тантанали равишда топширди.

— Бугун ҳаётимдаги энг унутилмас кун, — дейди «Дўстлик» ордени соҳиби, Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори Камалбай Ерниязов.— Чунки мен давлатимизнинг юксак мукофотига сазовор бўлдим. Бундан буён ҳам ҳудудимизда ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, халқимиз осойишталигини сақлаш учун бор куч ва ғайратимни сарфлайман.

Байрам тадбири концерт дастури билан давом этди.

**Равшан ШОДИЕВ**

Депутат зиммасида сайловчилар ишончига муносиб бўлишдек юксак масъулият бор. Бу мамлакат тараққиёти, халқ фаровонлигига дахлдор вазифадир.

ДЕПУТАТЛИК БУРЧИ ВА МАСЪУЛИЯТИ

# Халқимиз депутатлардан

## фақат амалий ишлар, хайрли ташаббуслар кутади



**Бахромжон ОБИДЖОНОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:**

— Президентимиз нутқини тинглаб яна бир бор амин бўлдимки, ҳар бир депутат сайловчилар, бутун халқимиз олдида масъул ва ҳисобдордир. Чунки сайловчи бизни вакиллик ҳокимиятига катта ишонч билан сайлади. Биз буни бир дақиқа бўлса ҳам ёддан чиқармаслигимиз керак, бунга ҳаққимиз ҳам йўқ. Шунда зиммамизда турган масъулиятни ҳис қиламиз, одамлар орасига кириб борамиз, ҳисоб бериш пайти келганда юзимиз ёруғ бўлади. Бу борада бизга тўсиқ бўладиган ҳеч нарса йўқ. Аксинча, катта ҳуқуқ ва ваколатга эгамиз.

Мен 96-Олтиариқ сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутат этиб сайландим. Айтишим керакки, Олтиариқ туманида томорқа ерларидан унумли фойдаланиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасида ўзига хос тажриба тўпланган. Навбатдаги вазифа қишлоқ ҳудудларида етиштирилаётган мева-сабзавотларни шу ернинг ўзида қайта ишлаб, хорижга экспорт қилиш ишларини такомиллаштириш орқали янги иш ўринларини ташкил қилишдан иборат, деб ҳисоблайман. Партиямизнинг Сайловолди дастуридан мазкур масалалар ҳам ўрин олган. Сайловчилар дастуримизни қўллаб-қувватлаган экан, уларни рўёбга чиқариш ҳақида ўйлашимиз зарур.

Яқинда ушбу йўналишлардаги таклифларим устида ишладим, уларни янада аниқлаштирдим. Маҳсулотларни хорижга олиб чиқиш учун, аввало, қайта ишлаш тармоқларини ривожлантириш, бу жараёнга янги ва замонавий технологияларни кенг жорий этиш, соҳада меҳнат қилаётган кадрларни ўз иши бўйича етук мутахассис бўлиб етишиши учун шароит яратиш керак. Бунинг учун эса Президентимизнинг халқимизга йўллаган Янги йил табригида иқтисодиётни юксалтириш бўйича илгари сурилган вазифаларни чуқур ўрганиб, ҳаётга татбиқ этиш зарур бўлади.

Айниқса, соҳада илмий изланишлар олиб бораётган ёшларни янада қўллаб-қувватлаб, рағбатлантириб бориш керак. Бу қайта ишланаётган маҳсулотлар сифатини ошириш, уларни жаҳон стандартига мослаштириш имконини беради. Натижада қишлоққа юқори технологияли саноат кириб келади, кўплаб янги ва барқарор иш ўринлари яратилади. Айни кунларда ўзим сайланган ҳудуднинг бу борадаги талаб ва эҳтиёжини ўрганяпман. Депутатлик фаолиятимда бу борада таклиф ва ташаббуслар билан чиқмоқчиман.

**Президентимиз халқ вакиллари аввало курашчи бўлиши керак, деган даъватни илгари сурди.** Очиғи, буни эшитибоқ, депутат сифатида қатъиятли бўлиш масъулиятини янада чуқурроқ англадим. Биз бир ҳақиқатни тан олишимиз керак. Бугунги сайловчи кечагидан бутунлай фарқ қилади. Бунга сайловолди учрашувларида яна бир бор амин бўлдик. Ҳозир одамлар парламент ислоҳотлари ва уларнинг маъно-мазмуни ҳамда аҳамиятини яхши тушунади, ўзлари сайлаган депутатдан фақат амалий ишлар кутади керак бўлса, талаб қилишни ҳам билади. Шунинг учун сайловчилар ҳузурида кўтарилган масала, саволлар эртага жавобсиз қолмаслиги учун астойдил интилишимиз керак.

◀ *Давоми. Бошланиши 1-бетда.*



**Раъно ЖАНКУВВАТОВА,**
**Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгаши депутати:**

— Қонунчилик палатасининг биринчи йиғилишида **Президентимиз мана шу муқаддас замин учун, Ўзбекистонимиз учун, халқимизнинг тинчлиги, фарзандларимизнинг бахтли келажаги учун барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, ишлашимиз, курашишимиз зарурлигини** алоҳида таъкидлади. Ҳақиқатан ҳам жойларда ечимини кутаётган, соҳалар ривожига тўсиқ бўлаётган масалаларни бартараф этиш, лўнда қилиб айтганда, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, халқ фаровонлигини ошириш билан боғлиқ устувор масалалар ҳақида бош қотириш, жамиятимиз равнақи учун барчамиз ҳамжиҳатликда иш олиб боришимиз керак.

Ғузор туманидаги «Зарбдор» қишлоқ фуқаролар йиғини раисиман. Вазифамдан келиб чиқиб, одамлар билан доим мулоқотдаман, улар билан ҳамнафас, ҳамфикр бўлишга ҳаракат қиламан. Очиғи, халқ депутатлари вилоят Кенгашига депутат бўлиб сайланганимда, менга юклатилган вазифа ўн ҳисса ортганини ҳис қилдим. Тўғри, қишлоқ фуқаролар йиғини раиси сифатида доим аҳоли орасида бўлганим учун ҳудудимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолати, одамлар кайфияти ҳақида яхши тасаввурга эгаман. Лекин депутатлик вазифаси, масъулияти бу масалаларга бошқача ёндашишни талаб қилмоқда. Нимага десангиз, бир кишининг муаммосини ҳал қилиб бериш бошқа-ю, катта бир ҳудуд аҳолисини ўйлантираётган муаммони ҳар томонлама чуқур ўрганиб, сессия муҳокамасига олиб чиқиб, унинг ечими бўйича қарор қабул қилинишига эришиш бутунлай бошқа масала. Вилоят даражасидаги муаммоларни яхши билишимиз, улар ечими бўйича таклифлар билдиришимиз керак. Бунинг учун депутат ҳаётни зийрак бўлиб кузатиб бориши, ўйлаши, изланиши, доимо ниманидир ўрганиш ҳисси билан яшаши лозим.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида бир қатор қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди, сиёсий партиялар, депутатларнинг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайди. Биз ана шу имкониятлардан келиб чиқиб, депутатлик сўрови, ижро ҳокимияти раҳбарлари ҳисоботини эшитиш механизмларидан кенг фойдаланишимиз зарур. Бу, табиийки, партиямиз Сайловолди дастурида белгилаб олганимиздек, ислоҳотларнинг ижтимоий самарадорлигини оширишга хизмат қилади.



**Зулайҳо АКРАМОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:**

— Давлатимиз раҳбари янги сайланган депутатлар, давлат ва жамият олдида турган масалаларга тўхталиб, бизга йўл-йўриқ берди, халқимизнинг хоҳиш-истаклари, талабини тушунтирди. Парламентнинг биринчи мажлисида билдирилган бу фикрларни депутатлик фаолиятимда ҳамиша ёдда тутаман.

Президентимиз нутқини тинглаб, сайлов ўтди, парламентга депутат этиб сайландик, маълум маънода ниятимиз, мақсадимизга етдик, деган қараш мутлақо ўринсиз эканини англадим. Янги сайланган депутатлар илгари турли ҳудудлар ва соҳаларда фаолият юритган. Ҳар кимнинг фикри, билим ва тажрибаси ҳар хил. Лекин энди биз соҳа ёки ҳудуд доирасида эмас, мамлакат миқёсидаги масалаларни ўйлашимиз, уларнинг ечими бўйича таклифлар беришимиз зарур. Бу биздан катта билим, масъулият, тинимсиз меҳнат ва изланиш, энг асосийси, виждонан ишлашни талаб этади.

**Юртбошимиз янги ҳаёт, янги жамият қуриш йўлида биз илгари ҳеч қачон дуч келмаган, тажрибамизда учрамаган ўта оғир ва машаққатли йўлни босиб ўтишимизга тўғри келди, деб таъкидлаб ўтди.** Ҳақиқатан ҳам, давр ўзгариб, вақтнинг ўзи янгидан-янги талабларни илгари сурмоқда. Бугун одамларнинг онгу тафаккури ҳам шунга яраша ўзгариб бормоқда. Уларнинг ишга, ҳаётга, меҳнатга муносабати ҳам кечагидек эмас. Бундай шароитда депутатларга талаб бошқача бўлади.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бугун юртимиз халқимизнинг фидокорона меҳнати, қадр-қиммати, ор-номусини баланд қўйиши, тараққиёт сари интилиши билан жаҳонда ҳурмат қозонди. Дунёнинг қатор ривожланган давлатларида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатлари ҳали ҳамон бартараф этилмасдан, ишсизлар сони ортиб бораётган бугунги шароитда юртимизда ҳар йили кўплаб янги иш ўринлари очилмоқда. Одамларимиз яхши шароитларда меҳнат қилиб, турмушидан мамнун яшаяпти. Бу ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ, албатта. Бу узоқни кўзлаб амалга оширилаётган оқилона сиёсат, ислоҳотларнинг инсон манфаатларига қаратилганининг натижасидир. Ана шу эзгу саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаб, кўламини янада оширишда ташаббускор бўлишимиз зарур. Ҳар бир депутат ўз сайлов округидаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни изчил таҳлил этиб борсагина, унда амалий таклиф бўлади, одамлар ишончига муносиб ишларни қила олади.

***...Дарҳақиқат шундай, депутат зиммасида сайловчилар ишончига муносиб бўлишдек юксак масъулият бор. Бу мамлакат тараққиёти, халқ фаровонлигига дахлдор вазифадир.***

**Лазиза ШЕРОВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

# Мардлик ва жасорат байрами

**Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ташкил этилганининг 23 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Мустақиллик майдонида ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу мақсадларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига тантанали равишда гул қўйиш маросими бўлиб ўтди.**

Мустақиллик майдонида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси вакиллари тантанали тарзда саф тортди. Ватан ҳимоячилари ҳарбий оркестр мусиқа садолари остида Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйди. Бу анъана замирида халқимизнинг энг бебаҳо неъмат бўлмиш тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва осмонимиз мусаффолигини нақадар қадрлаши мужассам. Ушбу буюк бойликни асраб-авайлаш эса энг шарафли ва фахрли касб эгалари — Ватан ҳимоячиларининг муқаддас бурчидир.

Президентимиз, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг мамлакатимиз Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 23 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида мустақил демократик Ўзбекистон давлатини барпо этиш ва ривожлантириш бўйича биз босиб ўтган буюк ва шонли йўл миллий армиямизнинг – ён-атрофимиздаги мураккаб ва таҳликали вазиятда тобланган, Ватанимиз мустақиллиги, суверенитети, унинг ҳудудий яхлитлиги, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётининг ҳамиша ишончли кафолати бўлиб келган ва бугунги кунда ҳам шундай бўлиб қолаётганини неча бор исботлаб берган мамлакатимиз Қуролли Кучларининг шаклланиши билан узвий ва чамбарчас боғлиқ ҳолда кечди, деб айтишга бугун барча асосларимиз борлиги таъкидланди.

...Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди. Ушбу тантанали лаҳзаларда миллий куч-қудратимиз, буюк аждодларимизнинг юксак заковати ва мустаҳкам иродаси кўз олдимизда намоён бўлади. Ватан ҳимоячилари қалбида барчамиз учун ягона бўлган Ўзбекистон билан фахрланиш туйғулари жўш уради.

Пойтахтимиздаги «Ватанга қасамёд» монументи пойига ҳам тантанали гул қўйиш маросими бўлиб ўтди. Ушбу монументда азамат ўғлон давлатимиз байроғини кўзига тўтиё қилиб, Ватан ҳимояси учун тайёрман, деб тиз чўкиб қасамёд қилаётгани ифода этилган. «Ватанга қасамёд» монументи Ватан ҳимоячиларининг жасорати ва шон-шарафининг ёрқин тимсоли, халқимизнинг уларга бўлган ҳурмати ва меҳр-муҳаббати ифодасидир.

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Қуролли Кучлар шахсий таркибининг жанговар тайёргарлиги, таъминоти ва маҳоратини ошириш, армиямизни замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Бунинг самарасида ихчам ва тез ҳаракатланадиган профессионал миллий армиямиз шакллантирилди. Бугунги кунда ҳарбий хизмат нафақат бурч, балки шон-шараф ишига, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлиги ва халқимиз осойишталиги кафолатига айланди.

**Роман БОНДАРЧУК,**
**ЎзА мухбири.**

ТАҲЛИЛ, ТАКЛИФ, МУЛОҲАЗА

# Ўзбекистон Халқ демократик партияси

## тизимида фаолият кўрсатаётган Жамоатчилик қабулхоналари электорат манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим механизми бўлиши лозим

**■ Партиямиз Жамоатчилик қабулхоналарига 2014 йилда 7327 нафар электорат вакиллари мурожаат қилган. Бу 2013 йилга нисбатан 171 тага кўпдир.**

Дунёнинг ривожланган демократик давлатларида мамлакатнинг тараққиёт стратегиясини белгилаш, жамиятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда сиёсий партиялар муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ўзгариш ва янгиланишлар туфайли сиёсий партиялар нуфузи ошди, парламент депутатларининг ваколат доираси янада кенгайди.

Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи мажлисидаги нутқида **...кимки ҳаётнинг тараққиёт суръатлари билан ҳамқадам бўлмаса, унга лоқайд ва беписанд қараса, эришган ютуқларга маҳлиё бўлиб, хотиржамлик ва ҳаволаниш кайфиятига берилса, ҳеч шубҳасиз, тез ўзгариб бораётган тарихнинг бир чеккасида, қолоқлик ва армонда қолиб кетади. Бу — ҳаётнинг бешафқат, аччиқ ҳақиқати ва биз буни асло унутмаслигимиз керак,** деган фикрни ўртага ташлади.

Дарҳақиқат, жамиятнинг муҳим институти ҳисобланган сиёсий партиялар ҳар доим ўз фаолиятига танқидий ёндашиши, йўл қўйилган камчиликларни таҳлил қилиши ва уларни бартараф этиш бўйича тизимли иш олиб бориши талаб этилади.

Яқинда мамлакатимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтган сайлов натижалари ҳар бир сиёсий партиянинг ўз фаолиятини яна бир бор таҳлилий-танқидий кўриб чиқиши, халқ ичига чуқурроқ кириб бориши кераклигини кўрсатди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси тизимида ўзига хос тузилма ҳисобланган Жамоатчилик қабулхоналари бугунги кунда аҳоли ва электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ўйлантираётган долзарб масалаларни ўрганиш, шу асосда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг аниқ механизмларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга, Жамоатчилик қабулхоналари вакиллик ҳокимиятидаги депутатлик корпусининг электорат вакиллари билан юзма-юз мулоқот қилишида асосий воситага айланмоқда.

Шу ўринда савол туғилади. Ўтган давр мобайнида маҳаллий партия ташкилотлари электорат манфаатларини ҳимоя қилишда Жамоатчилик қабулхоналари имкониятларидан қай даражада фойдалана олди? Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлар бу жараёнда қандай иштирок этмоқда?

Ўзбекистон Халқ демократик партияси маҳаллий кенгашлари қошида 207 Жамоатчилик қабулхонаси фаолият олиб бормоқда. Уларга келиб тушган мурожаатлар жойлардаги партия ташкилотлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик бирлашмаси кўмаги билан ҳал этилмоқда. Бу эса жойларда мавжуд муаммоларни бартараф этишга кўмаклашиш, уларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш ҳамда бу борада зарур чора-тадбирлар белгилашда муҳим ўрин тутмоқда.

— Жамоатчилик қабулхонаси партиямиз электорати билан мулоқот қилиш, уларнинг муаммоларини ўрганишда асосий восита бўлмоқда, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Комила Каромова.** — Хусусан, олис туманларда ташкил этилган кўчма Жамоатчилик қабулхоналари мазкур ҳудудлардаги аҳолини ўйлантираётган масалаларни ўрганиш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш, асосийси, ўз ечимини кутаётган муаммоларни туман, вилоят миқёсида комплекс ҳал этишга хизмат қилмоқда.

Жамоатчилик қабулхоналарига тушган мурожаатларнинг асосий қисми коммунал, соғлиқни сақлаш, халқ таълими соҳасида, шунингдек, иш билан таъминлаш, моддий ёрдам олиш, ижтимоий масалалар ва тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида банкдан кредит олиш билан боғлиқ масалаларни ўз ичига олади. 2014 йилда тушган мурожаатларнинг 72 фоизи ижобий ечим топган.

Жамоатчилик қабулхоналари фаолияти, мурожаатларни ҳал этиш кўрсаткичларини вилоятлар бўйича таҳлил этадиган бўлсак, қайси ҳудудда мазкур йўналишда ишлар тўғри ташкил этилган бўлса, ўша жойда партиямиз тарафдорлари, хайрихоҳлари, ғояларини қўллаб-қувватловчилар кўпчиликни ташкил этаётганини кўрамиз.

Мисол учун, Қорақалпоғистон республика, Фарғона, Тошкент, Хоразм, Жиззах, Самарқанд ҳамда Қашқадарё вилоят кенгашларидаги Жамоатчилик қабулхоналарида электорат вакилларидан тушаётган мурожаатлар ўз вақтида ижобий ҳал этилмоқда. Буни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга бўлган сайлов натижалари ҳам кўрсатиб турибди. Демак, минтақавий партия ташкилотлари фаолиятига Жамоатчилик қабулхоналари эришаётган натижалардан келиб чиқиб баҳо беришимиз керак.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроқўми ҳайъати томонидан тасдиқланган «**Жамоатчилик қабулхоналари тўғрисида**»ги низомда белгилаб қўйилган вазифалар ижросини таъминлашда сусткашликка йўл қўяётган, мурожаатларни вақтида ҳал қилишга жиддий эътибор қаратмаётган партия ташкилотлари ҳам бор. Жумладан, Тошкент шаҳар, Навоий, Наманган, Сурхондарё, Сирдарё вилоятларининг бир қатор туман кенгашларидаги Жамоатчилик қабулхоналарида мурожаатларнинг сони камлиги, электорат вакилларини ўйлантираётган масалалар ечими бўйича ташаббус етишмаётгани кўриниб турибди. Ваҳоланки, мазкур ҳудудларда аҳолини ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, жисмоний имконияти чекланган кишилар, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш билан боғлиқ ҳал этилиши лозим бўлган масалалар оз эмас.

— Бугунги кунда вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари қошида 12 та Жамоатчилик қабулхоналари фаолият олиб бормоқда, — дейди **ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Алишер Тошматов.** — Мазкур қабулхоналарга ўтган йили 600 га яқин мурожаат бўлган. Бироқ, уларни ўз вақтида ҳал этиш, тегишли органларнинг бу борадаги масъулиятини ошириш бўйича ишлар кўнгилдагидек олиб борилмади. Шу боис айрим ҳудудларда сайловчилар ишончи, уларнинг партиямиз ғояларини қўллаб-қувватлашига эриша олмадик. Ана шу хато ва камчиликлардан тўғри хулоса чиқарган ҳолда, жойлардаги партия ташкилотлари ва уларнинг депутатлик тузилмалари томонидан Жамоатчилик қабулхоналарига бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш, ҳар бир мурожаатга жиддий эътибор қаратиш, энг асосийси, аҳолининг партияга бўлган ишончини оширишга ҳаракат қилишимиз зарур.

Қайси ҳудудда Жамоатчилик қабулхоналари имкониятидан тўғри фойдаланилмаса, ўша жойда электорат муаммоларидан хабарсизлик ҳолати юзага келади. Муаммолар эса ҳал этилмасдан қолади. Бу жараёнда, энг аввало, депутатлар ташаббускор бўлиши, жойларда сайловчилар билан учрашувлар ва мулоқотларда уларни ўйлантираётган масалалар ечимига алоҳида эътибор қаратиши талаб этилади.

Сиёсий партия амалий ишлар билан майдонга чиқса, аҳоли манфаатлари, Ватан равнақи йўлида ҳаётий таклифлар берса, электорат муаммоларини бартараф этишга ҳаракат қилса, унинг жамиятдаги нуфузи, халқ ўртасидаги обрўси шунчалик ошади. Жамоатчилик қабулхоналари эса ана шу каби долзарб вазифаларни амалга оширишда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг муҳим механизми бўлмоғи лозим.

**Нурали ОРИПОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# «Сарҳадларинг асраймиз, Ватан!»

**■ Ватан ҳимоячилари кунини муносиб нишонлаш мақсадида Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари жойларда кўплаб байрам тадбирлари ўтказди.**

Хоразм вилоят партия кенгаши ташаббуси билан Қўшкўпир туманида ўтказилган тадбир «Сарҳадларинг асраймиз, Ватан!» деб номланди. Унда Қўшкўпир туман партия кенгаши ходимлари, маҳалла фаоллари, тарғиботчилар гуруҳи аъзолари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Ватанни ҳимоя қилиш олий шараф экани, фуқароларимизда, айниқса, ёшларимизда ватанпарварлик туйғуси юксалиб бораётгани, бу халқимизнинг ижтимоий бирдамлигини оширишини таъкидлашди.

Учрашувда Ватанни мадҳ этувчи шеър ва куй-қўшиқлар янгради.

* * *

**Қарши шаҳридаги ҳарбий госпиталда** ЎзХДП Қашқадарё вилоят Кенгаши ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи биргаликда «Ватанга хизмат қилиш — муқаддас бурч» мавзуида байрам тадбири ўтказди. Унда ҳарбий хизматчилар, партия фаоллари, депутатлар иштирок этди.

Тадбирда ҳозир миллий армиямиз сафларида жисмонан соғлом, маънан етук, юқори интеллектуал салоҳиятга эга бўлган фарзандларимиз хизмат қилаётгани, бу ҳар томонлама замонавий армияни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди. Ёшлар орасида ҳарбий хизматга бўлган қизиқиш, ҳурмат, иштиёқ ошиб бораётганини ҳисобга олиш, турли тарғибот ишларини янада кучайтириш тўғрисида фикрлар билдирилди.

Давлатимиз томонидан ҳарбийларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, маиший шароитларини яхшилаш, уларни уй-жой билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки оиласи тинч, фарзандларидан кўнгли хотиржам инсонгина бор куч ва эътиборини Ватан ҳимоясига қаратади, виждонан хизмат қилади. Сўзга чиққан ҳарбий хизматчилар бу фикрларни алоҳида қайд этишди.

Тадбирда ҳарбий госпиталнинг бир гуруҳ ходимларига эсдалик совғалари топширилди.

**Санобар БЕРДИЕВА,**
**Музаффар ТУРОПОВ**

СЕМИНАР

# Солиқ соҳасидаги янгилик ва ўзгаришлар

## аҳоли даромадини оширишга хизмат қилади

**■ Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да Давлат солиқ қўмитаси ташаббуси билан солиқ ва бюджет сиёсатининг 2015 йилги асосий йўналишларидан келиб чиқиб солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашда тадбиркорлик субъектларига яратилаётган қулай шарт-шароитлар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида кўргазмали семинар ташкил қилинди.**




Унда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари ҳамда хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари вакиллари иштирок этди.

Маълумки, 2014 йилнинг якунланиши арафасида солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларига доир бир қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинган эди. Хусусан, Президентимизнинг 2014 йил 4 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарори қабул қилиниб, унга мувофиқ, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкаси 8 фоиздан 7,5 фоизга туширилди. Микрофирмалар, кичик корхоналар ҳамда фермер хўжаликлари учун ягона ижтимоий тўлов ставкаси 25 фоиздан 15 фоизга, қурилиш соҳасида фаолият юритувчи кичик бизнес субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси 6 фоиздан 5 фоизга пасайтирилди.

Шунингдек, микрофирма ва кичик корхоналарни ҳамда ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этишни янада рағбатлантириш мақсадида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасалари битирувчилари ҳисобига банд ходимларнинг ўртача йиллик сонининг белгиланган меъёрини 20 фоиздан 50 фоизга ошириш мумкинлиги белгилаб қўйилди. Масалан, енгил саноат соҳасида фаолият юритувчи кичик корхоналар ходимларининг чекланган сони 200 кишини ташкил этадиган бўлса, улар ишчилар сонини ушбу таълим муассасалари битирувчилари ҳисобига яна 100 тага оширган ҳолда кичик тадбиркорлик субъектлари учун белгиланган имтиёз ва кафолатлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Бундан ташқари, қарорга асосан, аввал қонун ҳужжатларига мувофиқ берилган ҳамда жорий йилда фойдаланиш муддатлари тугаши кўзда тутилган бир қатор имтиёзларнинг муддатлари узайтирилди.

Жумладан, қўшимча даромад олувчи бюджет ташкилотларига олган қўшимча даромадидан солиқлар, йиғимларнинг барча турларидан, шунингдек, давлат мақсадли жамғармаларига ажратмаларни тўлашдан озод қилиш бўйича берилган имтиёзлар;

— тўлов-контракт асосида кадрларни тайёрлаш учун тушадиган маблағлардан олий таълим муассасаларини солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига ажратмалардан озод этиш бўйича имтиёзлар;

— профессионал футбол клублари, Ўзбекистон Футбол федерацияси ва унинг ҳудудий бўлинмаларини солиқлар ва йиғимларнинг барча турларини (ягона ижтимоий тўловдан ташқари) тўлашдан озод этилиши бўйича имтиёзларнинг муддатлари 2018 йилнинг 1 январига қадар узайтирилди.

**Солиқ кодексининг 375-моддасига киритилган яна бир муҳим янгилик касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятларини амалга ошириши учун жуда катта имкониятлар яратади.**

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича 2015 йил 1 январдан бошлаб ушбу солиқни ҳисоблашда энг кам иш ҳақининг бир бараваригача «0» даражали ставкани назарда тутувчи тўрт поғонали солиқ ставкаларини қўллаш тартиби жорий этилди. Яъни, жисмоний шахсларнинг энг кам иш ҳақининг бир бараваригача (118400 сўмгача) даромадлари жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғига тортилмайди. Шунингдек, сартарошлик, маникюр, педикюр, косметолог хизматлари ва бошқа шунга ўхшаш хизматларни кўрсатадиган якка тартибдаги тадбиркорлардан олинадиган қатъий белгиланган солиқ ставкалари 2015 йилдан бошлаб маиший хизмат фаолияти турлари солиқ ставкалари таркибига киритилди ва солиқ ставкаси 2014 йилга нисбатан энг кам иш ҳақининг 0,5 бараварига пасайтирилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ 4 та қонун ҳужжатларига, жумладан, Солиқ кодексининг 46 та моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2014 йил 7 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида белгиланган вазифалар асосида Солиқ кодексининг 286- ва 369-моддаларига ўзгартишлар киритилиб, ер солиғи ва ягона ер солиғи тўлови даврийлиги йилига уч мартадан икки мартага қисқартирилди. Яъни, қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан ушбу солиқларни тўлашда йиллик солиқ суммасининг 30 фоизи ҳисобот йилининг 1 сентябрига қадар, қолган суммаси эса 1 декабрга қадар амалга оширилади.

Янги рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини бошлаши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорликка кенг жалб этишни рағбатлантириш мақсадида Солиқ кодексининг 311- ва 375-моддаларига қўшимчалар киритилиб, янги рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс ташкил этмаган оилавий тадбиркорлик субъектлари томонидан суғурта бадаллари ва қатъий белгиланган солиқ тўлашни улар давлат рўйхатидан ўтказилгач, кейинги ойдан бошлаб (25-санага қадар) амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Солиқ кодексининг 375-моддасига киритилган яна бир муҳим янгилик касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятларини амалга ошириши учун жуда катта имкониятлар яратади. Яъни, 2015 йилдан бошлаб касб-ҳунар коллежлари битирувчилари коллежни тамомлагандан кейин ўн икки ой ичида якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган тақдирда, давлат рўйхатидан ўтган санадан эътиборан қатъий белгиланган солиқни тўлашдан олти ой муддатга озод этилади.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Дунё

# Чиқинди сувлар

## дарё ва денгизларга оқизилмаса...

**Қишлоқ хўжалиги ва саноат корхоналари томонидан денгиз ва дарё соҳилларига заҳарли чиқинди сувлари оқизилиши оқибатида дунё балиқчилиги йилига 50 миллиард доллар миқдорида зарар кўрмоқда, дейилади БМТ маърузасида.**



Айнан атроф-муҳитнинг ўта ифлосланганлиги, дарё ва денгиз қирғоқларига масъул маъмуриятларнинг номутаносиб бошқарув тизими боис, дунё балиқчилик ресурсларининг 32 фоизи бугунги кунда тузатиб бўлмайдиган даражага келган.

«France Presse» ахборот агентлигининг хабар беришича, айни пайтда қишлоқ хўжалигининг турли ўғитлари (нитрат, фосфат сингари ўғитлар, шунингдек, ҳашаротларга қарши қўлланадиган инсектицидлар ва бегона ўтларни йўқ қилишга ишлатиладиган гербицидлар) ва саноат чиқинди сувлари оқизилиши оқибатида дунё океанларида «ўлик ҳудуд»лар сони 500 га яқинлашиб қолди.

Маърузада алоҳида таъкидландики, агар Европа мамлакатлари минерал ўғитлар ва бошқа саноат чиқинди сувларини денгиз ва дарёларга оқизишни бутунлай тўхтатсалар, фақат балиқчилик саноатининг ўзидан йилига миллионлаб доллар фойда олиш мумкин.

# Шоҳкўчалар шовқини

## юракка таъсир қилади

**Умуман олганда, шовқиннинг киши саломатлигига салбий таъсири қандайлиги хусусида кўпчилик яхши маълумотга эга. Бироқ шундай бўлса-да, Гарвард университети олимлари яқинда олиб борган тадқиқот натижалари барчамиз учун қизиқ туюлиши бор гап.**



«Аргументы и факты» ҳафталигида чоп этилган ахборотда қайд қилинишича, шаҳарлардаги катта шоҳкўчалар бўйида яшаш юрак учун ўта зарарли бўлиб, юракнинг кутилмаганда уришдан тўхтаб қолиш эҳтимолини кучайтираркан. Яъни, олимларнинг илмий-кузатувлардан чиқарган хулосаларида айтилишича, шоҳкўчадан 50 метр ва ундан камроқ масофада яшаш улар шовқинидан кўпроқ азият чекишни англатади. Бунинг оқибатида юракнинг кутилмаганда тўхтаб қолиши ва ўлим юз бериши шоҳкўчадан 500 метр узоқда яшайдиганларга нисбатан 38 фоиз ортиқлиги кузатилган.

ТАДБИР

**■ Республика Марказий банки томонидан «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.**

# 2014 ЙИЛДА БАНКЛАР ТОМОНИДАН 1 ТРИЛЛИОН 810,6 МИЛЛИАРД СЎМ ЎРНИГА

## 3 триллион 766,9 миллиард сўмдан ортиқ кредитлар ажратилди

— Бугунги кунда мамлакатимиз банк-молия муассасалари томонидан хотин-қизларнинг уй-рўзғор юмушларини енгиллатиш, ёшлар, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оилавий бизнесни ривожлантириш, ёш оилаларнинг уй-жой шароитини яхшилаш борасида кенг кўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда, — дейди **Республика Марказий банкининг Тижорат банклари инвестиция портфелини мониторинг қилиш департаменти директори Азамат Қосимов.** — Хусусан, «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар доирасида банклар томонидан 1 триллион 810,6 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилиши кўзда тутилган эди. Амалда эса йўналтирилган кредитлар ҳажми 3 триллион 766,9 миллиард сўмдан ортди.

Хусусан, хотин-қизларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун 600 миллиард сўм ўрнига 960,2 миллиард сўм миқдорида молиявий кўмак берилди. Бунинг ҳисобига нафақат тадбиркор аёлларимиз, балки ишчиларнинг камида 50 фоизини хотин-қизлар ташкил этувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини кенгайтириш ҳамда истиқболли лойиҳаларни амалга оширишга эришилди.

Бундан ташқари, Дастур доирасида хотин-қизларнинг турмуш шароитини яхшилаш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. Хусусан, банклар томонидан аёлларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш ва уй-рўзғор буюмлари сотиб олиш учун 57,3 миллиард сўм миқдорида истеъмол кредитлари ажратилди.

Шунингдек, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес режаларини молиялаштириш масалалари банкларнинг диққат марказида бўлиб, ушбу мақсадлар учун 200,9 миллиард сўм миқдорида ёки Давлат дастурида кўзда тутилган прогнозга нисбатан 1,7 баробар кўп кредитлар йўналтирилди.

Қолаверса, қишлоқ аҳолисини замонавий уй-жойлар билан таъминлаш, уларнинг турмуш даражасини ошириш ҳам доимий эътиборда. Шу мақсадда намунали лойиҳалар асосида 2014 йилда 11 мингта турар-жой қуриш ишлари амалга оширилди. Бунинг учун 2 триллион 313,5 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилди. Бундан ташқари, ҳар бир вилоятда ёш оилалар учун «Камолот» уйлари қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Минглаб ёш оилалар банкларнинг 234,8 миллиард сўм миқдоридаги имтиёзли ипотека кредитларидан фойдаланиб, уй-жой харид қилишга, қуришга ёки реконструкция қилишга муваффақ бўлишди.

**Ўз мухбиримиз.**

ҚАРОР ВА ИЖРО

# «Камолот» уйлари ўз эгаларига топширилди

**■ Президентимизнинг Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Андижон шаҳри, Асака ва Балиқчи туманларида «Камолот» уйларини бунёд этиш ишлари бошлаб юборилган эди.**


ЎзА олган суратлар.

Яқинда Андижон шаҳрида 48 хонадонга эга кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди.

Барча қулайликларга эга бўлган ушбу турар-жойни «Радиус сервис» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари бунёд этди.

«Камолот» уйларини топшириш тантанасида Андижон вилояти ҳокими Шуҳратбек Абдураҳманов сўзга чиқиб, давлатимиз раҳбари томонидан ёшларимизга ҳаётда ўз ўринларини топишлари учун барча имкониятлар яратиб берилаётганини таъкидлади.

— Бугун қувончимнинг чеки йўқ. Ҳозиргина калитини олган уйимиз шинам, барча шароитларга эга, — дейди бокс бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Баҳодир Султонов. — Биз, ёшлар бундай ғамхўрликларга жавобан бутун кучимизни ватанимиз тараққиёти, обрў-эътиборини оширишга сарфлаймиз.

**Аҳмадилло СОЛИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

РЕКЛАМА

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

2014 йил 11 декабрь куни ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони Ишлар бошқармаси транспорт бўлими балансидаги д/р 01/084PPP бўлган «ГАЗ-3102311» — 5 500 000 сўмга, шунингдек, 2014 йил 30 декабрь ва 2015 йил 8 январь кунлари тўғридан-тўғри музокаралар орқали ташкил этилган савдо натижаларига кўра Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг «NUKUS TEXTILE» МЧЖ устав фондидаги 100 фоиз улуши — 12 581 279 000 сўмга; «NUKUS AGRO» МЧЖ устав фондидаги 100 фоиз улуши — 1 785 453 700 сўмга; «ASAKA MAK» МЧЖ устав фондидаги 100 фоиз улуши — 3 546 012 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

**Гувоҳнома — №005357**

Қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази

«Голос Узбекистана» газетасининг 2014 йил 31 октябрь, 45-, «Ўзбекистон овози» газетасининг 2014 йил 29 ноябрь, 141-142-сонларида берилган эълонлардаги объектлар бўйича молиялаштириш маҳаллий бюджет ҳамда ҳомийлар ҳисобидан амалга оширилаётганлиги муносабати билан буюртмачи томонидан қўйилган талабларга асосан танлов савдоларида барча қурилиш ташкилотлари қатнашиши мумкинлигини маълум қилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туман ҳокимлиги томонидан берилган реестр 0000436 рақамли «Довут-металл» хусусий фирмаси (ИНН 205140165, МФО 00607)

**ТУГАТИЛАДИ.**

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой ичида қабул қилинади.

Маълумот учун тел: (+99893) 203-88-20, (+99891) 265-28-85.

«Агробанк» акциядорлик тижорат банки жамоаси банк ходими Азамат Абдуллаевга падари бузруквори **Комил ЖУМАНИЁЗОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# Ватан улуғ, Ватан муқаддас!

# «Ўзбекистон Қуролли Кучлари сафида эканимдан фахрланаман!»

**Тошкент олий ҳарбий умумқўшин қўмондонлик билим юртида «Соғлом авлод учун» халқаро фонди ташаббуси билан 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган, тадбир ташкил этилди.**

Дунёда шарафли вазифалар кўп, аммо улар ичида энг шарафлиси киндик қонинг тўкилган Ватанингни ҳимоя қилишдир. Зеро, Ватан – бу инсонга ато этилган энг улуғ неъмат, аждодларимиз руҳи кезиб юрган мўътабар замин, уларнинг излари қолган табаррук тупроқдир. Ана шу заминни қўриқлаётган Ватан ҳимоячиларининг зиммасида эса тоғдек масъулият бор.

— Бу касбни акамга ҳавас қилиб танлаганман, — дейди **лейтенант Ёрқиной Рўзиева.** – Албатта, бу соҳанинг ўзига яраша қийинчиликлари бор. Айниқса, аёл киши учун. Бироқ ўз касбингни севсанг, ҳар қандай қийинчиликни бемалол енгиб ўтар экансан. Мен шу соҳада бахтимни топдим. Турмуш ўртоғим Ички ишлар тизимида фаолият кўрсатади, касбимни тушунади, керак пайтда кўмак беради, қўллаб-қувватлайди. Бир ўғил, бир қизни тарбиялаб, вояга етказяпмиз. Ўғлим ҳам келажакда ҳарбий бўлишни орзу қилади. Борди-ю, қизим ҳам шу соҳани танламоқчи бўлса, жон дилим билан рози бўлардим. Ахир инсон учун она Ватанга хизмат қилишдан-да муқаддасроқ иш борми!..

— Болалигида ҳарбий бўлишни орзу қилмаган ўғлон бўлмаса керак. Мен ҳам тенгдошларим қатори Ватан ҳимоячиси бўлишни жуда хоҳлаганман, **— дейди Тошкент олий ҳарбий умумқўшин қўмондонлик билим юрти II взвод командири Фаррух Холмуродов.** – Шукрки, ана шу ниятимга эришдим. Бир пайтлар ҳарбийликни орзу қилган, бироқ кейинчалик бошқа касбларни эгаллаган дўстларим бугун менга ҳавас билан қарашади. Буни кўриб, касбимга бўлган меҳрим янада ортади. Мен Ватанимга хизмат қилишни муқаддас бурч деб биламан ва Ўзбекистон Қуролли кучлари сафида эканимдан фахрланаман...

Тадбир таниқли санъаткорлар иштирокидаги концерт дастури билан давом этди.

**Аҳмад ЮСУПОВ**



Фаррух АЛИЕВ олган сурат.

# «Менинг ўғлим Ватан ҳимоячиси!»

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги мажлислар залида Тошкент шаҳар ва Сурхондарё вилоят ҳокимликлари, хотин-қизлар қўмиталари, Мудофаа ишлари бошқармалари, «Камолот» ЁИҲ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши ҳамкорлигида «Менинг ўғлим Ватан ҳимоячиси!» шиори остида «Тошкент-Термиз» видеоконференцияси ўтказилди.**

Унда Тошкент шаҳридаги ҳарбий қисмларда хизмат қилаётган сурхондарёлик, Сурхондарё вилоятида шарафли бурчини адо этаётган тошкентлик ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг ота-оналари, устозлари, дўсту яқинлари, мактаб ўқувчилари, лицей ва коллеж талабалари иштирок этди.

Ушбу видеомулоқот Ватанимиз сарҳадларининг дахлсизлиги ва халқимизнинг тинчлиги ва хотиржамлигини кўз қорачиғидек асраш учун ҳарбий қисмларда ўғлонлик бурчини ўтаётган аскарларга байрамона кайфият бағишлади.

**Озода БЕКМУРОДОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

## ФУТБОЛ

**XVI Осиё чемпионати гуруҳ босқичининг иккинчи туридан сўнг, Жанубий Корея, Австралия, Хитой терма жамоалари муддатидан илгари чорак финалга йўлланмани нақд қилди.**

# Чорак финалчилар аниқланмоқда

Шу кунларда Австралияда давом этаётган «Осиё кубоги — 2015» баҳслари тобора ҳал қилувчи паллага кириб боряпти. Мусобақанинг ҳар бир учрашуви шиддатли ва муросасиз курашлар остида ўтмоқда.

«А» гуруҳининг иккинчи турида Жанубий Корея терма жамоаси қувайтликлар билан куч синашди — 1:0. Бу ҳисоб корейс футболчиларига чорак финал эшикларини очиш учун етарли бўлди.

Гуруҳнинг иккинчи ўйинида эса мезбонлар Уммон футболчиларига қарши майдонга тушиб, рақиблари дарвозасига жавобсиз тўртта тўп йўллашди ва мусобақада иккинчи бўлиб, муддатидан аввал «плей-офф» босқичига йўлланма олди.

Энди 17 январь куни бўладиган Австралия — Жанубий Корея терма жамоалари баҳси гуруҳ ғолиби номига ойдинлик киритса, Уммон — Қувайт футболчилари учрашуви эса шунчаки расмиятчилик учун ўтказилади.

Кеча «В» гуруҳида ҳам навбатдаги ўйинлар бўлиб ўтди. Дастлаб биринчи турда рақибларига имкониятни бой берган икки терма жамоа КХДР — Саудия Арабистони футболчилари ўзаро рўбарў келдилар — 1:4.

Мамлакатимизнинг миллионлаб мухлислари ҳаяжон билан кузатган гуруҳнинг иккинчи учрашувида Ўзбекистон миллий терма жамоаси хитойликлар билан куч синашди. Биринчи турда ҳамюртларимиз КХДР вакилларидан (1:0) устун келган бўлса, Хитой футболчилари худди шу ҳисобда Саудия Арабистони футболчиларини енгганди.





Ҳасан ПИРМУҲАМЕДОВ олган сурат.

Гарчи, учрашув рақибларнинг кескин ҳужумлари билан бошланган бўлса-да, 22-дақиқада ярим ҳимоячимиз Одил Аҳмедов ҳисобни очди. Аммо иккинчи бўлимда ҳимоя чизиғида йўл қўйилган қўпол хатолар туфайли терма жамоамиз дарвозаси икки бор ишғол қилинди — 1:2. Бу мағлубият футболчиларимизнинг гуруҳдаги аҳволини бир мунча қийинлаштирди. Кетма-кет икки ўйинда ғалаба қозонган Хитой терма жамоаси эса муддатидан олдин «плей-офф» босқичига йўлланма олди.

Энди футболчиларимиз кейинги босқичга чиқиш учун охирги турда Саудия Арабистони вакилларини мағлубиятга учратиши талаб этилади. Бу ўйин 18 январда ўтказилади. Шу куни гуруҳнинг иккинчи ўйинида Хитой — КХДР терма жамоалари ўзаро куч синашади.

Бугун эса мухлислар «С» гуруҳининг Баҳрайн — Бирлашган Араб Амирликлари, Қатар — Эрон жуфтликлари баҳсига гувоҳ бўладилар.

Эртага «Д» гуруҳида ўтказиладиган Фаластин — Иордания, Ироқ — Япония футболчилари учрашуви билан иккинчи тур ўйинлари якунланади.

**«В» гуруҳидаги вазият**

| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. Хитой | 2 | 2 | 0 | 0 | 3-1 | 6 |
| 2. С. Арабистони | 2 | 1 | 0 | 1 | 4-2 | 3 |
| 3. Ўзбекистон | 2 | 1 | 0 | 1 | 2-2 | 3 |
| 4. КХДР | 2 | 0 | 0 | 2 | 1-5 | 0 |

**Эркин ХОЛБОБО, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

## ОНАЛАР ФАРЗАНДЛАР ҲАҚИДА

# Қалбимизда яшаётган соғинч

## бир умр бизга ҳамроҳ бўлади





***Фалак мушкили ҳал фикратидин,***
***Фалакка мушкил онинг диққатидин.***
***Қуёш янглиғ ёруғ райи мунири***
***Вале андин ёруғ мофиззамири.***
***Қаю илмеки йўқ андин ниҳонроқ***
***Анинг қошида йўқ андин аёнроқ.***

Мана, орадан ўн икки йил ўтган бўлсада, болагинамнинг овози ҳамон қулоғим остида жаранглаб турибди. Уни соғиниб, дафтарларини варақлаганимда, уларнинг биринчи бетига чизилган Ўзбекистон байроғини кўриб, ғурурланаман. У ўз Ватанини қаттиқ севарди. Отасининг хизмати тақозоси билан чет мамлакатларда яшаганимизда Ферузахон мактабдошларига Ўзбекистон, унинг бой тарихи, меъморий ёдгорликлари ҳақида, Амир Темур, ибн Сино, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Бобур Мирзо каби буюк аждодларимиз тўғрисида ғурур билан гапириб берар эди.

Алишер Навоий бобомизнинг мана шу байтларини ўқиганимда кўз олдимга қизим Ферузахон келади. У қизиқмаган фан йўқ эди. Муаллимларига ҳам, бизга ҳам жуда кўп саволлар берарди. Китоб унинг энг яқин дўсти, ҳамроҳи эди. Ўзбекистон тарихи, буюк аждодларимиз ҳақидаги асарларни топиб ўқирди. Билганларини эса бошқаларга айтиб берарди. Қизимни таниганлар унинг зукколигига, зеҳнига қойил қолишарди. Унинг вужудига шунча меҳр, шунча илм қандай сиғди экан, деб баъзан ўйлаб қоламан.

2000 йил эди. Ҳаммамиз ишдан қайтган пайтда Ферузахон ҳаяжон билан: «Биласизларми, яқинда мадҳиямиз қабул қилинганига саккиз йил тўлади. Мактабимизда бу тадбирга катта тайёргарлик кўриляпти. Мадҳияни ёддан айтиб бериш учун синфимиздан мени танлашди. Қани бир эшитиб кўрингларчи». Мадҳияни айтиб бўлгач, ҳаммамиз уни олқишладик.

У яхши ўқирди, атрофдагиларни ҳам шунга чақирарди. Ўзбекистонимиз ҳақидаги кўплаб маълумотларни ёддан биларди.

Ферузахон бизнинг ота-оналаримиз, уларнинг ота-оналари ҳақида ҳам суриштирарди. Оилавий суҳбатларимизда бу ҳақда кўплаб саволлар берарди.

Қизим дадасига, менга, айниқса, бувиларига жуда меҳрибон эди. Байрам ёки туғилган кунларда уларга совға сифатида шеърлар ўқиб берарди. Чиройли откриткаларга дилидаги тилакларини ёзарди. Унинг табриклари «Менинг меҳрибон бувижоним» ёки «Менинг меҳрибон онажоним» деган сўзлар билан бошланарди. Бугун шуларни ўйлаб, хулоса қиламан, эҳтимол, ота-онага, кексаларга иззат ана шундай туйғулардан бошланар... Балким у ота-онага ҳурматни биздан ўргангандир. Чунки биз ота-онамизга доимо ҳурмат кўрсатардик. Уларни бошимизга кўтаришга ҳаракат қилардик. Афсуски, улар бирин-кетин ўтиб кетишди...

Ўтган йилнинг декабрь ойида онам Муҳаррамхонни ҳам кузатдик... У киши 90 йил умр кўрди. Тўрт фарзандни авайлаб, асраб вояга етказди. Онамнинг талабчанлиги туфайли ҳаммамиз олий маълумотли бўлдик. Ҳозир шулар ҳақида ўйлаб, биз фарзандлар ота-онамиз ҳаёт пайтларида уларга қанчалик хизмат қила олдик, деб ўзимга савол бераман. Турмуш ўртоғимнинг падари бузруквори Тўйчибой ота, онаси Зуҳрахон аянинг менга кўрсатган меҳрибонликлари ҳеч ёдимдан чиқмайди. Улар олдида ўзимни умрбод қарздор, деб ҳисоблайман. Нима қилсам руҳларини шод этарканман, деб ўйлайман.

Буюклар айтганидек, хотира муқаддас, инсон ҳақида хотира қанча яшаса, у шунча яшайди. Бизнинг бурчимиз ўтганларимизни доим хотирлаб туриш, улар руҳини шод этадиган ишларни қилиш, деб ҳисоблайман.

Бугун Ферузахон қизим ҳам унинг меҳрибон бувижонлари ҳам орамизда йўқ. Лекин уларнинг яхши амалларини, инсонийликларини ҳамон энтикиб эслаймиз. Қалбимизда яшаётган соғинч бир умр бизга ҳамроҳ бўлади.

**Гуласал НЕЪМАТОВА**



# Сурхондарёда бодом гуллади!

**— Кексаларни эъзозлаш йилининг қадами қутлуғ келди, — дейди «Пистамозор» маҳалласида умргузаронлик қилаётган 113 ёшли Ҳадича момо Алиева.** — Йил бошида оппоқ бўлиб гуллаган бодом юртимизга тинчлик, элимизга хотиржамлик, оилаларга фаровонлик, рўзғорларга қут-барака олиб келсин!

— Бодомнинг асл Ватани Ўрта ва Ғарбий Осиё мамлакатлари ҳисобланади, — дейди **Денов туманидаги узумчилик ва мевачилик тажриба хўжалиги илмий ходими Неъмат Остонақулов.** — Табиатда унинг 50 дан ортиқ тури бўлиб, Ўзбекистон, Тожикистон, Кавказ, Жанубий Қозоғистон ва Қирғизистоннинг тоғолди ҳудудларида кенг тарқалган. Қурғоқчиликка чидамли иссиқсевар ўсимлик асосан февраль, март ойларида гулласа, тоғларда апрелда куртак очади. Ҳаво ҳароратининг муттасил 10 даража илиқ келиши натижасида бу йил бодом эрта гуллади.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

## СПОРТ

**Цюрих (Швейцария)да Халқаро футбол федерациялари уюшмаси (ФИФА) 2014 йил якунлари бўйича турли номинациялар ғолиблари номини эълон қилди.**

# Криштиану Роналду — «Олтин тўп» соҳиби!

Унга кўра, ўтган мавсумда Испаниянинг «Реал» (Мадрид) футбол клуби ва Португалия терма жамоаси шарафини муносиб ҳимоя қилган Криштиану Роналду учинчи маротаба «Йилнинг энг яхши футболчиси» деб топилди ва унга «Олтин тўп» топширилди. Бунгача у 2008 ва 2013 йилларда ана шундай эътирофга сазовор бўлган эди.

Бу галги сўровда Криштиану Роналду ҳужумчи Лионель Месси («Барселона» Испания) ва дарвозабон Мануэль Нойер («Бавария» Германия)ларни ортда қолдирди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, аргентиналик футболчи Лионель Месси ҳозиргача тўрт (2009, 2010, 2011 ва 2012 йиллар) маротаба «Олтин тўп» соврини соҳибига айланган.

Айнан мазкур номинация бўйича аёллар ўртасида ўтказилган сўров якунида Германиянинг «Вольфсбург» жамоаси сардори Надин Кесслер бош совринни қўлга киритди.

2014 йилда Бразилия яшил майдонларида жаҳон чемпионлигига сазовор бўлган Германия терма жамоаси бош мураббийи Йоахим Лёв «Йилнинг энг яхши мураббийи», деб топилди.

Аёллар футбол жамоалари ўртасида ўтказилган танловда ҳам немис мутахассиси эътирофга муносиб кўрилди. «Йилнинг энг яхши аёллар футбол мураббийи» мукофоти Германиянинг «Вольфсбург» - футбол клуби бош мураббийи Ральф Келлерманга топширилди.

Шунингдек, тантанали маросимда «Йилнинг энг яхши голи муаллифи», «Йил рамзий терма жамоаси» номинацияларида ҳам ғолиблар эълон қилинди. Жумладан, колумбиялик ҳужумчи Хамес Родригеснинг Бразилияда ўтказилган жаҳон чемпионатида Уругвай терма жамоаси дарвозасига киритган голи 2014 йилдаги дунёнинг «Энг чиройли голи» деб тан олинди. У анъанавий «Пушкаш» совринини қўлга киритди.

**Самандар БОБОРАЖАБОВ, ЎзДЖТУ талабаси.**

## ОБ-ҲАВО 15-16.1 — 2015

**Юртимиз бўйлаб (°С)**

| | | |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти | 0 / -5 | +3 / +8 |
| Бухоро ва Навоий вилоятлари | 0 / +5 | +3 / +8 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари | 0 / +5 | +7 / +12 |
| Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари | 0 / +5 | +8 / +13 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари | -3 / +2 | +5 / +10 |
| Тошкент шаҳри | -1 / -3 | +6 / +8 |

**Дунё бўйлаб (°С)**

| | |
|---|---|
| Лондон | +9 / +7 |
| Париж | +11 / +8 |
| Москва | +2 / -1 |
| Мадрид | +12 / +9 |
| Пекин | +6 / +4 |
| Канберра | +27 / +26 |
| Рим | +17 / +16 |
| Афина | +17 / +15 |
| Токио | +7 / +14 |
| Стокгольм | +3 / +4 |
| Кейптаун | +26 / +23 |
| Қоҳира | +19 / +19 |
| Гавана | +24 / +24 |
| Вашингтон | +5 / +2 |

Тошкент автомобиль — йўллар институти томонидан 1996 йилда Абдуллаев Шухрат Маратович номига берилган №174810 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси жамоаси Хоразм вилояти вакили **Комил ЖУМАНИЁЗОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши вилоят партия кенгаши раиси Маҳмуджон Маҳкамовга акаси **Мухсин МАҲКАМОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

**MUASSIS:**
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

**TAHRIR HAY'ATI:**
Abdulla ORIPOV, Hotamjon KETMONOV, Ulug'bek VAFOYEV, Rustam KAMILOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV, Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari), Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 159
20566 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 22.00
Topshirilgan vaqti — 23.00
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV, Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5 6